

Ишнинг судловга тааллуқлилиқ масаласига аниқлик киритилмаганлиги ва процессуал қонун нормаси нотўғри қўлланганлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Даъвогар Ш.Пўлатов жавобгар О.Норовга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, «Файз» фермер хўжалиги раҳбари О.Норов туман ҳокимининг 2004 йил 4 мартдаги қарорига асосан деҳқон хўжалигида фойдаланиш учун ўзига ажратилган 0,35 сотих ер участкасидан кўчишини талаб қилиб, ерга экин экишига ва оиласи билан тинч яшашига тўсқинлик қилаётганлигини кўрсатиб, унинг зиммасига уй-жой ва ер майдонидан фойдаланишига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ш.Пўлатовнинг даъво талаби қаноатлантирилиб, О.Норовга низоли 0,35 сотих ер майдонига қурилган уй-жойда Ш.Пўлатовнинг яшаши ва ер майдонида фаолият юритишига тўсқинлик қилмаслик мажбурияти юклатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 12 ноябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 15 августдаги ажрими билан вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, туман ҳокимининг 2004 йил 4 мартдаги қарорига асосан Ш.Пўлатовга деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун 0,35 сотих ер майдони ажратилган. Шунингдек, у ушбу ерда жойлашган бинони 42.000 сўмга сотиб

олган ва унинг ерга бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиб, гувоҳнома берилган.

Апелляция инстанцияси Ш.Пўлатов ўз манфаатида даъво кўзғатганлигига ва манфаатдор шахс эканлигига ҳуқуқий баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини бекор қилиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддаси 2-бандига асосан аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги 20/107-сонли **«Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларни суд амалиётида қўлланишининг айрим масалалари ҳақида»**ги қарори 3-банди 1, 2-хатбошисига кўра, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари иштирокидаги ишларни судловга тааллуқлилиги масаласини ҳал этишда судларнинг эътибори низоли муносабатларнинг хусусияти ва субъектлар таркибини ифодаловчи асосий мезонларга қаратилиши лозим.

Иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркорлик мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар хўжалик судларига тааллуқлидир. Айнан шу турдаги низоларда бир тараф қонунда белгиланган тарзда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган фуқаролар (оила пудратчилари) бўлса, бундай даъволар тааллуқлилиги бўйича умумий юрисдикция судларида кўрилади.

2004 йил 1 мартдаги гувоҳномага асосан Ш.Пўлатов юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиги бошлиғи сифатида давлат рўйхатидан

Ўтказилган, низодаги иккинчи тараф эса, фермер хўжалиги бошлиғи бўлиб, суд мазкур нисонинг судловга тааллуқлилиқ масаласига ҳам аниқлик киритмаган.

ФСХ-244-11-сонли ажрим

